



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 24 июль, чоршанба

№58 (11.446)

Эркин нарҳда сотилади

Янги университетнинг илк талабалари

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи bosqichida мутахассислар сифатини, савиясини янада ошириш кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги "Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ана шу мақсадга хизмат қилади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ ўз фаолиятини бошлаган янги билим даргоҳида шу кунларда уч йўналиш бўйича танлов давом этмоқда.

Дастлабки bosqich кунги кеча аяланди. 212 нафар йигит-қиз университетимизнинг илк талабаси бўлди, — деди Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректори Абдуҷаббор Абдувоҳидов ўза мухбиримизга. — Уларнинг ярами "Умид" жағмарасининг гранти бўйича, қолганлари эса шартнома асосида таълим олади. Талабалар университетида тўрт йил давомида таъсил олиб, Лондондаги Westminster университети дипломинини кўлга киритади.

Хозир университетда дарс берадиган ўқитувчилар таркиби аниқланган. Танловда қатнашадиган қирқ мутахассисдан саккиз нафари ажратиб олинди. Улар август-сентябрь ойларида Лондондаги Westminster университетида инглиз тили, асосий фанлар ва ихтисослик модуллари бўйича малака оширади. Мамлакатимиздаги бошқа илм даргоҳларидан фарқи равишда бизда ўқуш 1 октябрдан бошланади. Буюк Британияда малака ортириб қайтган ўқитувчилар бир неча модул бўйича дарс бериш имконига эга бўлади.

Танловнинг учинчи йўналиши шундан иборатки, магистратурда ўқуш учун ҳужжат топширган абитуриентлар Лондондаги университетда таълим олиш учун танлаб олинади. Беш нафар голиб бир йил бошбанди Лондонда ўқиб, магистрлик дипломини олиб қайтади. Шундан кейин улар университетимизда ўқитувчи бўлиб ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўза.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисидан кейинги ўйлар

Сойлик қишлоғида бу воқеа анча шов-шувга сабаб бўлди. Ахир, деҳқонлар ўша кезларга бунчаласини кўришмаган ҳам, эшитишмаган ҳам эди-да. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган маърузасини ўқиб туриб, яна беихтиёр Бўстонликдаги «Сойлик» ширкат ҳўжалиги аъзоларининг йиғилишида рўй берган ўша воқеани эсладим.

Йил якуни муҳокама қилинмоқда эди. Ҳўжалик пиёз, узум ва мева етиштиришдан мўйиб даромад жағмарган, фақат пиёз етиштиришнинг ўзида рентабеллик даражаси 201 фоизга етганди. Лекин бошқарув раиси ҳисобот бераётган, ҳўжалик билан пудратчилар ўртасидаги шартномаларнинг бажарилишига алоҳида тўхтади.

— Аммо, таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ялпи натижаларимиз бундан ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди, — деди раис Тохир Ҳамидов. — Баъзи пудратчиларимиз хали-ҳануз эрга эгалик ҳиссини тўла англаб етмаётганлар. Экинларни ўт бостириб, вақтида сугорма, ишловни пайсалга солиб, қисқаси — ҳўжалик билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажармадилар. Уларнинг айби билан умумдорлик пайсагун ердан ҳўжалик зарар қўриши керакми? Йўқ, бундай бўлмайди. Мен ширкатимизнинг шартнома мажбуриятларини бажармаган аъзоларини ердан маҳрум қилиш таклифини киритаман...

Мажлис қарори билан пудратчилар гуруҳи тарқатиб юборилди, шартнома режасини бажармаган пудратчилар 4 миллион 894 минг сум ундириб олиш учун бу ишни қўриб чиқиш ҳўжалик судига топширилди.

Ҳали кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган бу иш ўшанда анча-мунча гап-сўзларга ҳам сабаб бўлган эди. Лекин, пудрат усулининг, икки томонлама шартномаларнинг паст-баланди тушуниб, англаб етилган бу гуруҳи кунда бу оддий ҳолатга айланди. Афсуски, ҳамма ҳўжаликларда ҳам бу механизмдан оқилна фойдаланилмапти. 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш

юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузада бир томондан ҳўжалик — ширкат, иккинчи томондан — пудратчи мажбуриятларининг боиси шунда. Эндиликда ҳосилнинг тақдирини шунга боғлиқ. Биз кутилган миқдордаги галла, пахта, сабзобот-мева маҳсулотларини етиштириб, йилги-териб оламизми, йўқми — шу шартномаларга оғиш-

ларни бажариш жараёни хали муайян, гоҳида эса, жиддий қусурлардан ҳам ҳоли эмас. Уларга амал қилишда бошбошдоқлик, ўзибўларчилик, бир томонлама ёндошув фактлари учрайди. Таёқнинг икки учи бўлади. Гоҳи ширкат бошқарувларининг раҳбарлари бу шартномаларда ёзиб қўйилган ўз мажбуриятларини вақтида, сифатли бажармаётганлар. Фақат пудратчи ҳўжалик талаб қўйиб, унга техника, транспорт хизматини унутиш, зарарқондаларга қарши кураш, ерларга минерал ва маҳаллий ўғит бериш,

затилмас ва бедаво бўлади. Калтакнинг иккинчи учи — пудратчининг ўз ихтиёрига бериб қўйилган эрга, экинга муносабатда намоен бўлади. Унинг зарбаси «Сойлик»даги деб ўлиши керак. Лекин, Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда ҳақли равишда кўрсатиб ўтилганидек, пудратчиларнинг шартномавий мажбуриятларининг маъмуни ва аҳамиятини билмаслиги, уларнинг бажарилиши вақтида, етарли, амалий ва таъсирчан назорат қилинмаслиги кўзда ноҳуш ҳолатларга олиб бормоқда. Бу эпизодик зарар-

ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бу — янгилик оёғига кишан. Бу — деҳқон ишончига путур. Бу — пировардига, эл-юрт риёқ-рўзига хиёнат. Бундай раҳбар яна бир имкониятдан маҳрум. Бу — ер олиб, уни ишламаган, шартнома режасини удалай олмаган қопи тешик деҳқонга талабчанлик. Олддагисига қонуний ҳаққини бермаганидан кейин ордагисидан камомадни талаб қилишга маънавий ҳақ йўқлади-да! «Сойлик» эпизод пудратчилар ишнини ҳўжалик судига дадил топширган, шартномани бажармаган пудратчилар «ғинг» дейишга олганининг бир сабаби бор: йил якунига кўра режадан ортик 2000 тонна маҳсулот илгор пудратчилар ихтиёрида қолдирилган. Ҳеч қандай солиққа тортилмаган бу нақд даромад деҳқон қалбига шижоат, кейинги меҳнат жараёнига ишонч ва куч-қувват бағишлаганди. Меҳнатига яраша даромад дегани шу-да. Қишлоқда янгила меҳнат муносабатлари шу зайл қарор топади-да.

Яна Вазирлар Маҳкамасининг сўнгги йиғилишидаги гапларга қайтишга эҳтиёж сезамиз. Ҳўрбошимиз, айниқса, ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятларга ҳўжаликларнинг риёқ қилмасликларига асло йўл қўйиб бўлмағлигини таъкидлаб, фақат қишлоқ ва сув ҳўжалиги идоралари эмас, балки биринчи навбатда қалтакли органлари бунини қалтакли назорат остига олишлари лозимлигини уқтирди. Бундай назоратнинг туманлардаги оли ҳўжами — ҳўқимлардир. Туман ҳўқимлари бу шартномаларга оғишар рўй етилишини шундай назоратчи олишлари, адолат пешовлари бўлиб майдонга чиқаришлари керакки, токи пудратчи зовол кўрмасин, чўкинда қўқилмасин. Даромадини мўйиб ва мўқамал олсин. Янги замон деҳқонини фақат шу йўл билан оғўқа турғиза оламиз. Деҳқоннинг қалди тик, ишончи собит юрт эса асло қўқилмайди. Доимо амбори тўла, дастурхони ўқин, халқи тўқ бўлади. Ҳў янги истикболи сари бораётган мамлакатимиз учун бу сув билан ҳаво-деҳқон зарур.

Жўрабек МУРОДОВ.

ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИ — ҚОНУН

ёки ҳўжаликларда оилавий пудрат вакиллари билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши ҳўсусида

май амал қилинишига боғлиқ. Ҳўжаликнинг рағнақи, дастурхонларимиз маъмуриги, давлат омборларининг бўш қолмаслиги, охир-оқибатда эрга эгалик қилиб, ўз меҳнати билан ноз-неъмат яратувчи одамларнинг иқтисодий манфаати ва рағбати даражаси ҳам айна шу мажбуриятларнинг бажарилиши билан белгиланмоқда. «Шу боис, — деб яна бир бор уқтирди Президент, — бугунги кунда шартномавий муносабатларнинг айна мана шу шакли энг муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис бугун ҳўжаликдаги икки шартномаларнинг тузилишига ҳўжақўрнинг учун қўруқ расмиятчилик билан қарамаслик керак».

Вилоятимиздаги 183та ширкат ҳўжалигининг деярли ярмидаги аҳвол ўрганиб чиқилди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан ҳўжаликлар ва пудратчилар ўртасида тузилган шартномалар амалда. Вилоят адлия бошқармаси ўтказган текширишлар кўрсатдики, бу шартномаларни тузиш ва

экинлари сугориши ташкил этиш — ҳўжалик раҳбарлари ва мутахассислари шартнома имзоланиши билан бундай юмушлардан асло холи бўла олмайдилар. Аслида бундай юзакчилик шартномаларни тузиш жараёнидаёқ йўл қўйилмапти. Биргина мисол: Янгийўл туманидаги Ҳўрсунқўлда 272та оила пудратчи шартномасида ялпи маҳсулот қиймати, бу йил етиштириб бериладиган маҳсулот ва пудратчи тўланадиган ҳақ миқдори, ҳақ тўлаш тартиби белгиланган. Чинознинг йўл қўйилган 68 та шартномада ҳўжаликнинг мулкнинг 183та қисми ифодаланмаган. Кейинчалик, ерни пудратчиларга бўлиб бериб, баъзи раҳбарлар дала айлиниши учун тиб юбормоқда, ҳатто у ёки бу масала билан мурожаат қилган пудратчилар эҳтиёжга нисбатан «Кўзим-кўр, қўлоғим-қар» нуктаи назари билан эътиборсизлик кўрсатаётганлар. Бу таъкиднинг бир учи, Унинг қўзғи зарбаси оғир, ту-

рини ҳўжалик кўтаришига йўл қўйиб, ишнини удаламаган пудратчидан зиёнини ундирши ҳаёлларига келмаётган ширкатлар ҳам йўқ эмас.

Вазирлардан чиқиб йўли эса оддий. Шунга эришиш керакки, шартнома тузилими, у ҳўжалик учун ҳам, пудратчи учун ҳам қўнунга айланishi керак. Икки томон ундан келиб чиқадиган вазифаларини пайсалга солимасдан, вақтида, сифатли бажариб бурса — олам гулистон, қўзда қозон ҳам мой, чўки ҳам. Минг афсуски, онг ҳаммаша фаолият тури, шакли, усули ўзгаришдан орда тузини олган. Шундай бўлдики, ширкат раҳбари пудрат шартномасига икки томон учун қонун эмас, фақат пудратчи учун мажбурият деб қарайди. Ерни бердимми, уёғини ўзинг билсан, арзвангини торт, токи қўз хирмонга қўруқ келмагин, қабиладаги ёндошув, ҳатто хирмон кўтарилиб, шартнома режасидан ортик маҳсулотдан пудратчини маҳрум қилиш

Вилоят ҳўқимлигида ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Вилоят ҳўқимлиги ҳўзуридаги воёга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзоларидан ташқари вилоят ҳўқимлиги бўлим ва бошқармаларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳўқимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳўқимининг ўринбосари А.Раҳимбердиев бошқарди. Комиссиянинг ўтган ярим йилги иш якуллари қўриб чиқилди. Йиғилиш қатнашчилари Чирчик, Янгийўл шаҳарлари, Қибрай, Бўстонлик, Янгийўл туманларида воёга етмаганлар билан ишлашнинг аҳолига доир ҳисоботларни ҳам тинглашди.

Йиғилишда 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастур асосида воёга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муайян ишлар қилинаётганини кўрсатиб ўтилди. Мақтаблар, лицей ва коллежларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш тадбирларини ўтказиш кўчмайди. Ёшлар онгига умуминсоний қадриятларни, миллий одоб-ахлоқни, Ватанга садоқат туйғуларини синдириш, миллатлараро дўстлик, тотувликни шакллантиришда давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва ёшлар ҳаракатининг ҳамкорлиги таъминланмоқда. «Ёшлар ва жамият», «Умр ва қонун» тадбирлари иштирокчилар маънавиятига сезиларли ижобий таъсир кўрсатганини уқтирилди.

Бирок, бу бошқа ишлар воёга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳўқубузарлик кескин кама-

ийишга етарлича таъсир кўрсатаётган. Бу борда жамоатчиликнинг роли сезилмаётганини, ота-налар ва мактаб раҳбарларининг ҳамкорлиги сустиги йиғилишда ҳақли равишда таъкид қилинди. Профилактика ишлари кутилгандек самара бермаётгани кўрсатиб ўтилди.

Натижада биринчи ярим йилликда воёга етмаганлар томонидан 160 та жиноят содир этилди. Унта шаҳар ва туманда жиноятлар кўпайиши кузатилди. Йиғилиш Ангрэн, Олмалик шаҳарлари, Паркент, Бекобод, Юқоричирчик, Қўйичирчик, Тошкент ва Ҳўрчилик туманларидаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг фаолиятига айнақса жиддий эътирозлар билдирди.

Баъзи жиноят турлари камайиш ўрнига қўнаётганлиги ҳақида таъкидланган гапирилди. Жиноят содир этишда қатнашган ўсмирларнинг 111 нафари гуруҳлар тарқибда ҳаракат қилган. Жиноятчиларнинг ақсарияти нотинч оилаларнинг фарзандларидир. Йиғилишда ҳўқуқий савиянинг пастлиги, милиция, маҳалла ва халқ таълими идораларининг ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаганига алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш қўрилган масала юзасида тегишли қарор қабул қилди.



ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАМИЗ

Одатдагидек, дала айлиниб ҳосилнинг чўғини, экиннинг ривожини кўздан кечириб юрган раис туша яқин бош пудратчи Ортикали Болтабоевнинг пахтазорига етиб келди. Атрофга синчилаб назар ташлар экан, хурсанд бўлиб кетди. Азаматлар роса астойдил ишлашяпти. Хар туп гўзада икки-учтадан қўсақ бор. Шўна, гулларнинг эса саногига етолмайси.

— Барақалла, — деди раис Ортикалининг елкасига қўлини қўйиб, — меҳнатларингиз самараси мана-ман, деб турбиди. — Ҳаракат қилдик-да, — деди Ортикали. — Ҳозирги кунга қадар пайкаллардаги гўзани уч марта озиклантирдик, икки марта сувдан чикардик. Хар туп гўза билан, хар кун тиллашиб турамыз. Нимаики зарур бўлса, бекаму кўст амалга оширяймиз.

— Мўлжал қандай? — Аввалига 30 центнерни қўзлаб қўйган эдик, — деди Ортикали. — Лекин, кунги кеча далаларни обдон айлиниб чиқиб, бу кам деган хўлосага келдик ва 32-33 центнерни марра қилиб белгиладик. — Узим ҳам шундай мўлжал қилувдим, бундан-буён ҳам ишни бўшаитмасаларинг, ҳатто 35 центнерга ҳам етадиган ҳосил тўпласангиз бўлади, — деди раис. — Йўлининг қолган кунлари ва август ойининг бошларида ҳам парваршини қиз-

гин давом эттиряймиз. Қисқаси хар туп гўзада кам деганда 12-15та бўлик қўсақни таъминлаб, уларнинг пишиб етилиши учун зарур агротехник тадбирларни амалга оширяймиз.

...Раис қўшни пайкалга ўтиб кетган, Ортикали пудратчи Икром Мўхамедовга юзланди. У гўза тулларидаги ҳосилни санаётган эди.

— Сўхбатларингизни эшитдим, — деди у, — ишончини оқлашга ҳаракат қиланми. Сўнг у, тўғрими дегандек, сувчи Ҳофиз Ҳасановга мурожаат қилди. Ҳофиз бош иргиди. Ҳамма ҳаракат шу мақсадга қаратилган. Ҳозир ҳосилга ҳосил қўшадиган пайт-да. Шунинг учун ҳам экинларни чилла сувига обдон қондиришга ҳаракат қилишяпти. Ахир, айтадилар-ку, чилла суви — тилла суви, деб.

Биз Янгийўл туманидаги «Нибёбош» ширкат ҳўжалигининг биргина пахтачилик бригадасидаги олиб борилаётган ишлардан ҳикоя қилдик. Ҳўжаликнинг барча бригадаларида ҳам дала ишлари ана шу зайлда намунали ташкил этилган. Миришкорлар 1120 гектар майдондан 3130 тонна пахта топшириш учун айна кунларда мустақам замин ҳозирламоқдалар.

Носир РИХСНЕВ. Даврон АҲМАД олган сурат.

Пахта сифатли қайта ишланади

Тошкент мамлакатимиздаги пахта тозалаш корхоналари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Бу ердан пахта заводларига хомашўни қайта ишлаш учун зарур транспорт қўрилмайлари, пахта тоилош ускуналари ва юклагич каби эллиқдан ортик турда маҳсулот жўнатилоқда.

Замонавий технологиялар асосида жиҳозланган мазкур корхонада чигитни сифатли сақлаш учун мўлжалланган автоматлаштирилган омборлар, хомашўни қайта ишлаш мажмуалари ишлаб чиқарилоқда, кичик пахта тозалаш заводлари учун технологиялар ҳам яратилаётган.

Бутунга қадар корхона маҳаллий ва хориқлик ҳамкорлар билан 318 шартнома тўзди. Йил бошидан буён эса 651 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоиз кўп. Ҳозир Қўзғистондаги "НИ-МЕРС" корпорациясига қарашли иккита пахта тозалаш заводини замонавий технологиялар билан таъминлаш ишлари давом эттиряляпти. Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА (Ўза).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БМТ ГУРУҲИ УЧРАШУВЛАРИ

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдаги «Гийёвандликка қарши кураш» гуруҳи вилоятимиздаги болалар оромгоҳларида учрашувлар ўтказишни бошлади.

Шу кунга қадар етти оромгоҳда шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Хордиқ чиқараётган болалар билан ўтаётган бу каби учрашувларда гуруҳ аъзолари гийёвандликнинг салбий оқибатлари, ундан келиб чиқадиган турли хил касалликлар, нашаандлик натижасида содир бўлади-

ган жиноятлар ҳақида тушутириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқдалар, болаларга турли хил қўлланмалар тарқатмоқдалар. Учинчи мавсумда ҳам бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш режалаштиряляпти. Ўз мухбиримиз.

ЭЛЧИХОНА ГРАНТИ БИЛАН

Янгийўл шаҳри «Тадбиркор оёл» уюшмаси кўмағида кўпчилик аёллар банк тизимидан имтиёзли кредитлар олиб, ўз фаолиятларини йўлга қўйишга эришмоқдалар. Шунингдек, янги иш қизлар янги касбларга ўринларини ташкил этишга ўргатилоқда. Ҳуку маркази алоҳида эътибор берилмоқда. Япония элчиҳонаси гранти бўйича ўқув маркази ташкил этилди. 5 та компьютер, ўнта тикув машинаси ўрнатилиб, йигит-

МАШҒУЛОТЛАР ҚИЗИҚАРЛИ ҲАВА

Тошкент вилоятидаги «Меҳржон» ёғи соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган «Агроексперт-2002» мактаби машғулотлари аяқунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги қишлоқ ҳўжалиги ихтисослашган мактаблардан 60 нафар аълочи ўқувчи иштирок этиди. Бу ерда улар ўқув салкам бир ой мўбаинида соҳа илмий текшириш институтлари олимлари, ўқитувчилар, мутахассислар иштирокида ўқув ва амалий машғулотлар ўтказилди. Ҳўжалигида фойдаланилаётган замонавий техника, ихтиро ва фойдали моделларнинг илмий-техник экспертизаси ҳамда интеллектуал мулк объектларининг муҳофазаси, биотехнология ва ахборот технологиялари каби долзарб мавзуларда маърузалар ўқилди. Турли спорт мусобақалари, беллашув ва қўриқ-танловлар ўтказилди. Ўза.

МАҲАЛЛАЛАР КЎРИГИ

Бекобод туманида «Ибратли маҳалла» кўриқ-танлови ўтказилди. Унда ободончилик, аҳолининг ижтимоий ва маданий-маънавий турмуш тарзини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар кенг жамоатчилик кўриқидан ўтказилди. «Ўзбекистон» маҳалласи энг ибратли маҳалла деб топилди ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Ўз мухбиримиз.

НАРГИЗА ҒОЛИБ БЎЛДИ

Оҳангарон туманида «Тадбиркор чеварлар» кўриқ-танлови ўтказилди. Унда беш нафар чевар кизлар тикувчилик соҳасидаги билим ва маҳоратларини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўрсатиб, ўзлари тиккан кийим-кечаларни, пазандалик санъати ҳамда хар ишда зўкколикларини намойиш этишди. Шу кунги намойиш этилган мактаб ўқувчиларининг кийимлари орасида «Интилиш» фирмасининг тикувчиси Нарғиза Маҳмудова яратган бошланғич синф ўқувчилари формаси ота-оналарга ўзининг арзонлиги, қўлайлиги ҳамда сифатлилиги билан манзур бўлди. Мазкур иш муаллифи кўриқ-танловнинг энг яхши чевари деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса, Қорахотий қишлоғидан Фарида Абдукаримова ҳамда «Фароғат» фирмасининг ишчиси Қўбаро Муродовларга насиб этиди. Ҳўлиблар туман ҳўқимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Муқаддас АЛИЕВА.

ХАВАСКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ангрэннинг ҳаваскор санъаткорлари ўз маҳоратларини мунтазам ошириб бормоқдалар. Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган аскиячи ва қизикчиларнинг бешинчи аънавий республика кўриқ-танловида ўтказиб чиқиб, учинчи ўринни қўлга киритди. Она-Ватан ва истиклолни тараннму этувчи, юртимиз табии аифодаловчи фотоасарлари билан республика кўрғазмасида иштирок этиб, Равел Цой учинчи ўринни эғаллади. Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Швейцариялик банкирлар ташрифи

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Швейцария Миллий банкнинг президенти бошчилигидаги мазкур банк делегацияси ташрифи бўлди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Швейцария Конфедерацияси ўртасида моливий соҳадаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли тарзда ривожланган таъкидланди.

Швейцария томони мамлакатимизнинг Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлигига юқори баҳо берди. Бу алоқалар Ўзбекистоннинг бошқа халқаро молия ташкилотлари билан муносабатларини ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Меҳмонлар мамлакатимиздаги макроиқтисодий вазият, шу жумладан янги ички маҳсулот, инфляция, давлат бюджетига оид кўрсаткичлар, валюта бошқарувининг эркинлаштирилиши каби масалалар тўғрисида маълумот олди.

Суҳбат давомида қайд этилганидек, буларнинг ҳаммаси икки томонлама ҳамкорлик ривожига ҳамда мамлакатимизга келаятган хорижий сармоя ҳажми орттишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ж.РАУПОВ, ЎЗА мухбири.

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги

777 миллион сўмлик маҳсулот. Бу Чирчиқдаги кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик тузилмалари жамоалари жорий йилнинг биринчи ярмида халқ ҳўжалиги эҳтиёжлари, аввало, истеъмол бозорига чиқариб берган маҳсулот ҳажми. Шунинг ўзи ҳам бу соҳа шахар халқ ҳўжалигида мақоени тобора мустаҳкамлаб бораётганининг далолат беради.

Бу ерда кичик ва ўрта бизнес тузилмалари томонидан 300 миллион сўмликдан зиёд кенг истеъмол буюмлари тайёрланди. Қурилиш ишларига қўшилган улуш 172,6 миллион сўмликни ташкил этди. Шу йўл билан шахарда қад кўтараятган катта-кичик иморатлар, айниса ўқув юрларини, ўй-ҳойларни қуриш ва таъмирлашга катта ҳисса қўшилди.

Аҳолига турли хил пулик хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам ортиб борапти. Шу йўл билан 110 миллион сўмлик маблаг ишлаб топилди. Сал кам 20 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Мазкур тузилмалар жами қурилиш ҳажмининг 22,4 фоизини амалга оширмоқда. Айниса, транспорт хизмати кўрсатишда юқори натижаларга эришилди. Уларнинг бу тармоқда йўловчи ташишдаги улуши 48,4 фоизгача етди. Бошқа хизмат кўрсатишининг 31,2 фоизи, савдога эса, 19,7 фоизи улар ҳисобига тўғри келаяпти. Шахарда яна тартибда меҳнат билан шугулланувчилар сони ортиб бормоқда.

билан ёрдам бериш ҳақидаги мунозараларини илоҳи борица жавобсиз қолдирмаётдилар. Биринчи ярим йилликда улар 675 миллион сўм ҳажмда кредит беришди. Лизинг асосида кредитлар бериш

бозори чакон бўлмоқда. Хом-ашё сифатида асосан шахарнинг ўзидеги маҳсулотлар, чикиндиларидан фойдаланиш диққатга сазовор. Бу фирманинг шу йил вилоят бўйича ўтказилган «Ташаббус-2002» кўрик-

йўлга қўйилди. Корхона истеъмол бозорига полиетилен халталар, банклар учун қопқоқлар, иссиқхоналарга ёпиш учун пленкалар етказиб берапти. «Юлдуз» кооперативида эса, ҳарбийларимиз учун ёқа, тақилма белгилар, юлдузча, тугмачалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шахарда бу йил бошдан бери қирқдан ортиқ янги кичик ва ўрта бизнес тузилмалари ишга тушди. Улар орасида «Атлант» хусусий тиббиёт клиникаси ҳам бор. Улғубек Назиров ва Зокиржон Шерматовлар биргаликда муассис бўлган шифо маскани тиббий хизмат кўрсатаётгани учун ҳам миқозлари кўпаймоқда. Ҳатто республикамизнинг бошқа вилоятларидан келиб, бу ердан даво топтомоқдалар. Шифоҳона қошида 25 ўринли стационар бўлиб, беморлар бу ерда ётиб, саломатликларини тикламоқдалар. Уни барпо этиш учун эса, 17,5 миллион сўм кредит олишди. Ҳозиргача бу ерда минг нафардан ортиқ чирчиқликларга тиббий хизмат кўрсатилди.

Бу, юртбошимиз айтганларидек, кейинги пайтда мамлакатимизда кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг фаолияти анча кучайганлигидан далолат беради.

Собир МАҲМУДОВ, Шокир Тўғонов.

ИМПОРТ ЎРНИНИ ҲАМ БОСМОҚДА

Янги тузилмаларнинг ташкил этилиши, мавжудлариде иш ҳажмининг кенгайиши ишчи кучига талабни келтириб чиқараётгани туфайли шахарда ишсизлар камаймоқда. Утган ярим йилликда кичик ва ўрта бизнес тузилмаларида 858 та янги ишчи ўринлари яратилди. Уларнинг айримларида меҳнат жараёни икки-уч сменада давом этиши инobatга олинса, бир минг нафар атрофидаги фуқаролар доимий ва мавсумий иш билан таъминланди.

Мулкчиликнинг бу соҳаси юксалишида тижорат банкларининг роли йил сайин ортиб бормоқда. Улар тадбиркорларнинг янги иш бошлаш, мавжуд тузилмаларда ишлаб чиқариш ёки хизмат ҳажмини кенгайтириш юзасидан режаларини амалга ошириш учун пул

ҳам тобора кенг йўлга қўйилмоқда. Чет эллардан замонавий асбоб-ускуналар, илғор технологиялар олиниб, ишлаб чиқаришга жорий қилинапти. Кредитларнинг бу янгица ва қулай шакли асосида 216 миң АКШ долларлик олинган асбоб-ускуналар ёрдамида айрим кичик ва ўрта бизнес тузилмалари ишлаб чиқаришни янгиладилар ҳамда янги, бозори янада чакон буюмлари тайёрлашни ўзлаштирдилар. Айниса, бундан «Лактам» ва «Латофат» каби хусусий фирмалар оқилона фойдаланишга эришяпти. Уларнинг биринчисиде ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, ҳатто авиация ва иқтисодиётнинг бошқа мураккаб соҳаларида ҳам кенг фойдаланишга мўлжалланган. Шунинг учун ҳам, у тайёрлаётган маҳсулотнинг

танловида тадбиркорлик тузилмалари йўналиши бўйича муқофотли иккинчи ўринни олганлиги ҳам бежиз эмас.

«Латофат» хусусий фирмаси жамоаси қўлидан чиқаятган буюмлар ҳам импорт ўрнини босмоқда. Айниса, бу ерда хорижда ишлаб чиқарилган қатор автотранспорт воситалари учун триплекс ойналари тайёрлашнинг ўзлаштирилиши айна мудабо бўлди. Йил давомида бурортмачилар билан шундай маҳсулотдан бир мингга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилди. Ҳозиргача 314 та ойналар миқозларга етказиб берилди. Шунинг ўзидан 23,4 миллион сўмлик маблаг тушди.

«БРИЗ» масъулияти чекланган жамиятида ҳам полиетилендан турли рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш

Вилоят кутубхоналарида

МУТОЛАА БИЛАН ЧЕКЛАНМАЯПТИЛАР

Ўртачирчиқ тумани марказий кутубхонасининг қишлоқ китобхоналари ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий ишлари ва ўтказиб берган тадбирлари мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида алоҳида мазмун касб этапти.

— Ўз олдимизга икки асосий мақсадни қўйганмиз, — дейди хизмат кўрсатиш бўлимининг мудири Мунира Қорабоева. — Биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва ҳуқумат қарорларини тарғиб этиш, иккинчиси, китобхоналарнинг мустақиллик, миллий мафкура ҳақидаги асарларга бўлган талабларини тўлақондордан иборат. Китобхоналар ўзларининг ҳуқуқий-сиёсий малакаларини оширишлари учун кутубхонамизда турли бурчаклар ташкил этганмиз. Улар орқали матбуот наشرларида чоп этилган фармон ва қарорлар, уларнинг ҳаётда тadbик этилиши, бажарилиши ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар билан танишиш имконияти катта.

Улар бевосита ўқув залидаги тоқчалардан жой олган. Қолаверса, китобхоналарнинг талаб ва қизиқишини ўрганиш гуруҳи ўтказган сўровлар натижасига кўра кутубхонамизни янги асарлар билан мутасил бойитиб бораёلمиз. Ҳозир кутубхонамизда 21300 дан зиёд китоб мавжуд. Бу йил «Ҳақиқат» ва «Қорасув» ширкат ҳўжаликлари захирамизни янги асарлар ва матбуот наشرлари билан тўлдиришга ҳомийлик қилишди. Биз газет ва журналларни мунтазам олиб туришимиз учун ҳам имкон яратиб беришди.

Туман ҳарбий комиссариати, икки ишлар бўлими ва кўзи оғирлар жамияти идораларида шартнома асосида кўча кутубхоналар ташкил этдик.

«Одобнома» клуби режа асосида кутубхонамиз залида ва бевосита қишлоқларда турли мавзуларда бадий кечалар, алломалар билан учрашувлар, суҳбатлар, кўрик-танловлар, китоб кўргазмалари уюштирмоқда. Фаол китобхоналардан пенсионерлар Умар Сиддиқов, Огабек Жабборовлар, шифокор Ўғилой Турсунова, ўқитувчи Ҳасима Бойқобилова ва бошқалар кутубхонанинг оммавий тадбирларида яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

«Халқ воғлиги — юрт бойлиги», «Таълим-тарбияда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги», «Гидравндлик — инсоният учун офат» мавзуларидаги давра суҳбатлари, «Сизга минг тасанно, сизга минг таъзим», «Фидойилар чирогий сўнмайди» деб номланган адабий кечалар иштирокчиларда айниса катта қизиқиш уйғотаяпти. Бундан ташқари ижтимоий-сиёсий, ватанпарварлик, ўлкашўнослик, санъат, экология, спорт, ҳунар ва бадий адабиётларга оид мавзуларда учрашув, баҳс-мунозара, суҳбат, кўриктанловлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, туман хотин-қизлар қўмитаси шоира Турсуной Содиқова билан ўтказган учрашув 500 дан ортиқ иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. «Гулшанда гуллар сариси бу — аёл» мавзуидаги адабий кечада жамиятда аёлнинг ўрни, муҳаббат ва вафо, оилада фарзанд тарбияси масалалари юзасидан қизлар фикр олишув бўлиб ўтди.

Ҳасанбой САДУЛЛАЕВ.

ШАҲАРГА — САРИШТА КЎРИНИШ

Ангрен шаҳрида ўтказилаётган зарбдор икки ойликда 26та янрик санаот корхонаси ўз техника воситалари ва ишчи кучлари билан фаол қатнашмоқда. Унга «Саноатқалинқозсавдо» акционерлик бирлашмаси, «Резинтехника» очик ҳиссадорлик жамияти, олтин қазиб чиқариш корхонаси меҳнатқилари катта ҳисса қўшишяпти.

Бинолар қайта таъмирланаяпти, Самарқўб, Облик, Гўлбоғ маҳаллаларида қўчалар ободонлаштирилиб, дарактларни буташ, оқлаш, гулзорларни тартибга келтириш ишлари бажарилмоқда.

ЎЗ мухбиримиз.

Истиқлол иншоотлари қурилишида

Бунёдкорлик ишлари авжида



Тошкент тумани қишлоқлари ва ҳўжаликларида қуриляётган иншоотларнинг аксарияти республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши назарда тутилган. Улар орасида янрик объектлар ҳам бор. Оқунбоев номли ўрта мактабга қўшимча бинолар, ёш техниклар станцияси, қишлоқ шифокорлик пункти, автомашиналарга ёнилги қўйиш тармоғи қурилиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга аҳолига савдо, маиший ва бошқа шу каби хизмат кўрсатувчи қатор иншоотлар бунёд этиляпти. Маҳаллаларнинг янги гузарлари қад ростламоқда, эскилари кенгайтириляпти. «Тўқай» маҳалласи худу-

дида аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи мажмуа ва озиқ-овқат дўконини қуриш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. «Тошкент» ширкат ҳўжалигида эса, замонавий қишлоқ шифокорлик пункти бунёд этиляпти. Навоий номли

ширкат ҳўжалигида автосарой қуриляпти. Ўзбекистон Богдорчилик машинасоаслиги заводи ўзи ишлаб чиқарган машина-механизмларнинг савдосини йўлга қўйиш учун дўкон ҳамда автомашиналарга сервис хизмати кўрсатувчи станцияни барпо этмоқда. Бундай иншоотлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Тошкент» ширкат ҳўжалигида қад кўтараятган қишлоқ шифокорлик пунктида туман қурилиш бўлимининг етакчи мутахассиси Нурали Ҳайдаров (ўртада) бинокорлар Ботирал Мамдалиев (чапда) ва Назирали Узоқовлар билан ишнинг бориши ҳақида суҳбатлашмоқда; «Ҳасанбой» ширкат ҳўжалигида ёш техниклар станцияси қурилиши ишлари Уматалли Раҳмонов ва Ҳасимжон Холқовлар иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Лойиҳалар сифатини вақт кўрсатмоқда

«Ўзгенгилсанлоийҳа» — мамлакатимизда пахта тозалаш ва енгил санаот объектларини лойиҳалаш соҳасига иқтисослашган ягона институтдир.

— Бу тармоқда деярли барча корхоналар бизнинг лойиҳаларимиз бўйича қурилган, таъмирланган ва кенгайтирилган, — дейди институт директори Хотам Иноғомов.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида маҳаллий хомашдан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича «Бурсел-Тошкент-текстиль» лойиҳаси юзасидан

ишлар ниҳоясига етмоқда. Институтга мамлакат пахта тозалаш санаотида ягона техник ва технология сиёсатини амалга ошириш, пахта хомашесини қайта ишлашнинг сифати ва комплекслигини таъминлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ҳақида қурилиш ва қайта иқтисослаштириш лойиҳаларини мустақил экспертизадан ўтказиш бўйича бош ташкилот вазифалари юкланган. Институт санаот ритини амалга ошириш, пахта хомашесини қайта ишлашнинг сифати ва комплекслигини таъминлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ҳақида қурилиш ва қайта иқтисослаштириш лойиҳаларини ҳал этишга қодир.

ЎЗА.

Мактабгача тарбия муассасаларида

Мана, ўлкамизда ёз фасли давом этмоқда. Шундай жазирма кунларда келажак авлод — болажонлар соя-салқинда яйраб, табиат неъматларидан баҳраманд бўлганига нима етсин. Хўш, бу ерда Янгийўл шахар боччаларида олиб борилятган ишлар кўнгилдагидеки? Шу саволга жавоб олиш мақсадида шахардаги бир неча тарбия масканида бўлдик.

Ховли, ўйин майдончалари супуриб-сидирилган 8-боғчадами. Шабадада шохлари оҳиста тебранаётган, яшил либосга бурканган дарахтлар бу ернинг файзини яна ҳам очган. Атрофдан тарбияланувчиларнинг шўх-шодон кулгулари эшитиляди. Жажилар чехрасидаги қувончли кўриб дилинги қувнади.

Боғча мудири Венера Сотимова бизни ичкарига бошлади. Дам олиш хоналари ораста, шинам. Караватчалар дид билан тартибга келтирилган. Маънавият ва маърифат хонаси зарур адабиёт ҳамда кўргазмалар билан безатилган. Қўшни хонада эса турли-туман ўйинчоқлар, қўлда ясалган нафис буюмларни қизиқиб томоша қиламиз.

— Ҳаммасини болаларнинг ўзлари тайёрлашган, — дейди В.Сотимова. — Педагог учун тарбияланувчининг изланиши, истеъдо-

ди мевасини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак. Шуларнинг ғайрати ва меҳнати билан «Севимли ўйинчоқлар» шахар кўрик-танловида биринчи ўринни олди.

«Соғломжон-полвонжон» бағчада эса қимматбаҳо соврин билан тақдирландик. Унинг саришталиги остонадан билинади, дейдилар. «Қувонч» болалар боғчасига борганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

— Замира опа Раҳимова шу боғча очилгандан бунён, янги йигирма йилдирик, раҳбарлик қилиб келаяпти, — дейди Янгийўл шахар халқ таълими бўлими услубчиси Саодат Солиева. — Умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаятган ажойиб инсон. Изланишдан чарчамайди, доим бирор янгилик яратишга интиляди.

Ховли ўғил-қизлар билан гағжум. Уртадаги ховузча зилло сувга тўлдирилган. «Болалар кундузи» дам олиш олдидан қўмилишди, — дейди тарбиячи Галина Поршнова. — Ҳамшира сув ҳароратини меъёрига келтириб қўйди». Мудира ўйнаётган болаларга қараб «меҳмонлар келганда нима дейиш керак» деб мунозарат этганда жажжи рус қизалок ҳам, кичкинтой ўзбек бола ҳам бараварига бурро қилиб «Ассалому алай-


кум» деди. Қизчага ўзбек тилида бир-икки савол бердик, қийналасада жавоб қайтардик.

Еши улғулар бола бошидан, деб бежиз айтишмайди. Ўргатса, болада она тилидан бошқа тилларга ҳам меҳр уйғотса бўларкан-ку! Дароқе, мазкур мактабгача тарбия муассасасида тарбияланувчиларга ўзбек ва чет тилларини ўргатишга алоҳида эътибор берилди. Боғчада инглиз тили муассасасида тарбияланувчиларга ўзбек ва чет тилларини ўргатишга алоҳида эътибор берилди. Боғчада инглиз тили муассасасида тарбияланувчиларга ўзбек ва чет тилларини ўргатишга алоҳида эътибор берилди.

Дастлабки сабоқни шу масканда олаётган умидли спортчилар ва истеъодли санъаткорлар эришяётган ютуқлар ҳам қишини қувонтиради. Бу, албатта, мураббийларнинг қасбига садоқат, меҳнати самараси. Аҳаб эмас, мустақил Ўзбекистон доврўига доврў қўшувчи бўлажак чемпионлар шулар орасидан ҳам қисқа!

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«Ватанпарвар»нинг мухлислари кўп



Ўзининг ўн йиллигини нишонлаган «Ватанпарвар» газетаси мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб жойларда қизил қарли ижодий учрашув ва кечалар ўтказмоқда. Шундай тадбирлардан бири Чирчиқ шаҳридаги сервантлар тайёрлаш мактабиде бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида муштарийлар билан қизил қарли суҳбатлар, спортнинг шахмат, мини-футбол, стол теннис каби турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Шахмат баҳсларида халқаро грессмейстр Рустам Қосимжонов булажак офицерлар билан бир йўда йигирма тахтада ўйин олиб борди.

Учрашув сўнггида Мутолаа вазирлигининг Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросида қўй-қўшиқлар янгради.

(ЎЗА).

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



59-модда. Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Касаба уюшмалари — жамиятимиз сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, улар давлат ва жамият ишларида бевосита иштирок этадилар. Касаба уюшмаларининг вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

биринчидан, меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; иккинчидан, уларнинг меҳнатга оид маънавий ва маданий шарт-шароитларини яхшилаш;

учинчидан, ишлаб чиқариш, маънавий ва маданий соҳаларда уларнинг манфаатларини ифодалаш;

тўртинчидан, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш; бешинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш; олтинчидан, ижтимоий-сугурта ишларини бошқариш сингари бир қатор вазифаларни бажаради.

Меҳнатқашлар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ўқувчилари ҳеч қандай фарқларсиз, ўзларининг хоҳиш-иродалари бўйича ва олдиндан тегишли тартибда рўқсат олмасдан туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмалари тузиш ҳамда низомиларни бажарган ҳолда касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнатқашлар корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида касаба уюшмаларини тузишлари мумкин.

Касаба уюшмалари ўз низомиларини мустақил тарзда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, шунингдек, таркибини аниқлайдилар, бошқарув органларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил қиладилар, йиғинлар, конференциялар, пленум ва съездларни ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, касаба уюшмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

— жамоа шартномаси ва битимлар тузиш юзасидан музокаралар олиб бориш;

— меҳнатқашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

— меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиш;

— меҳнат низомиларини қўриб қилиш;

— меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича маълумотларни олиш;

— жамоа шартномасининг маъмурият

томонидан бажарилишини назорат қилиш;

— маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасида келиб чиқадиган низоларни қўриб қилиш ва бартараф қилиш;

— давлатлараро битимларда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришда иштирок қилиш сингари бир қанча ҳуқуқларга эга.

Касаба уюшмалари фаолияти давлат томонидан кафолатланади ва қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

биринчидан, давлат ва ҳўжалик органлари маъмурияти, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга мажбур ҳамда уларнинг фаолиятига кўмаклашадилар;

иккинчидан, касаба уюшмаси органларига сайланганлар интизомий чоралар билан айбланиш, маъмурият томонидан ишдан бўшатилиши мумкин эмас. Ишлаб чиқаришдан бўшатишда ҳолда фаолият қўрсатган меҳнатқашлар касаба уюшмаси ходимлари, ўзларининг ваколат муддатлари тугаган, ўз иш жойларига ёки ўнга тенг келадиган бошқа ишга қайтадилар.

Касаба уюшмалари ва уларнинг органлари қонунчилик бўйича юридик шахс ҳисобланадилар. Касаба уюшмалари мулк ҳуқуқи сифатида ўзларига тегишли бўлган мулк ва пул маблағларига эгаллик қиладилар, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Касаба уюшмалари давлат, ҳўжалик, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, худди шундай тартибда улар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вақил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боради ва аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидир.

Маъмурият касаба уюшмаларининг бу тўғридаги тақдирномаларини қўриб қилиш ва қўриб қилиш натижалари тўғрисида белгиланган бир ой мuddат ичида касаба уюшмасига хабар қилиши шарт. Касаба уюшмалари меҳнатқашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Эргаш САЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари,
3-даражали адлия маслаҳатчиси.

ПАЛАТА ТАДБИРКОР БИЛАН БИРГА

Чиноз туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бу йил 265 нафар юридик ва жисмоний шахсни рўйхатга олди. Шундан 168 нафари хусусий тадбиркор, 17 нафари юридик мақомга эга бўлмаган деҳқон хўжалиги, 80 нафари эса юридик шахслардир.

— Мурожаат қилаётган тадбиркорлар орасида бирор-бир жиддий мақсади йўқ қишлар ҳам борлиги таажжубланарли, албатта, — дейди палата раиси Б. Нуршодов. —

Кўмагимизда ҳужжат тайёрлаб, банкдан кредит олиш пайидан бўлганлар ҳам учраб турибди. Бундайлардан асл мақсадини сўрасангиз, "Кўпчилик тадбиркорлик қилапти-ку, мен ҳам бирор-бир нарса қиларман-да", деб қўяди. Табиийки, бу тоифа тадбиркорларга мавжуд қонун-қоидалар-

ни атрофича тушунтиришга, асосий илтимосларини эса рад этишга тўғри келмоқда. Лекин пухта билим, тажриба ва мукамал режага эга тадбиркорларимиздан амалий ёрдамимизни аяётганимиз йўқ. Масалан, тадбиркор Б. Ўринбоев санат моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш мақсадида туман марказида "Мўъжиза" деб номланган ху-

сусий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Фирма бизга мурожаат қилгандан сўнг тўқувчилик махсусотларини ишлаб чиқариш мақсадида 20 миллион сўмлик кредит лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳа амалга оширилиш арасида турибди. Етмиш нафар йигит-қиз ишга тақлиф қилинган.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.


Иқтисодиёт ва ислоҳот

УРУҒ САРА БЎЛАДИ



Чиғирикдаги кимёвий усулда туксизлангилган уруғ тайёрловчи корхона кейинги йил ҳосили учун дастлабки буюртмани қабул қилди. Янгийўл тумани «Ниезбош» ширкат хўжалигидан келтирилган 1300 тонна дон уруғини қайта ишлашни бошлади. Ушбу корхона Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан вилоятнинг Ўрта-чиқ туманида яқинда қўриб битказилди.

Халқаро тендер асосида Германиянинг «Глобал-процессинг» фирмаси билан ҳамкорликда унинг дастлабки ғишти 2001 йилнинг июль ойида қўйилган бўлса, «Петкус-Вутти» фирмаси ўзининг 525 минг АҚШ долларига тенг технологияларини октябрь ойида келтириб ўрната бошлади. Корхона қиш мuddатда ишга туши-



кузатиб турман, — дейди бош оператор Анвар Хонтуруев. — Ускуналарнинг бирор-бир ерида нозулик вужудга келса, мониторда дарҳол маълум бўлади. Мен эса, керакли чора-тадбирларни қўраман. Барча техниканинг ишлаши



рилди ва синов тариқасида 60 тонна туксизлангилган уруғлик чигит тайёрланди. У Юқоричиқ туманининг 8 та хўжалигидаги 1600 гектар экин майдонига плёнка остига қадалди.

Корхона Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Самарқанд вилоятлари пахтакор ва галлакорлари учун ҳам уруғлик тайёрлаб бериш мажбуриятини олган.

— Иш кўлами катта бўлишига қарамай, жамоамиз 29 кишидангина иборат, — дейди бош директор Абдукарим Тошматов. — Шундан 18 киши барча юмушларни компьютерда бошқаради. — Қарда қандай жараён кетаяпти, барини ўз компьютери орқали

ёки тўхташи ҳам ана шу тугмалар орқали амалга оширилади.

Буюртмачилар учун яратилган яна бир қулайлик шундаки, корхонада буюртма ҳажми 15 минг тоннадан ошганда, икки тараф ўртасидаги шартномада кўрсатилган қайта ишлаш нархлари арзонлаштирилади.

— Биз учун, — дейди корхона раҳбари, — корхонамизнинг тўхтовсиз ишлаб туриши муҳим. Шунинг учун буюртмачиларга қулайликлар яратишга, ўзимизга кўпроқ мижоз орттиришга ҳаракат қиламиз.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: корхона бош директори Абдукарим Тошматов, бош оператор Анвар Хонтуруев, қадоқловчи Солиха Файзиёва ва корхона жамоаси иш жараёнида. **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИККИ ОЙЛИГИ

Янгийўл шаҳар ҳокимининг қарори асосида шаҳарда мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан тозалик ва ободонлаштириш икки ойлиги ўтказилаяпти.

Йирик санат корхоналари ўз ташаббуслари билан ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини бошлаб юбордилар. Мустақиллик байрамигача 15та иншоот битказилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Шаҳар болалар шифохонаси, Самарқанд кўчасидаги кўп қаватли уйлар мукамал таъмирдан чиқарилмоқда. Янги ҳаёт ва Лаззат кўчаларидаги транспорт йўллари созила-напти. Охунбоев номи маҳалла қўмитаси идораси, милиция таянч пункти, даволаш ва соғломлаштириш маркази қўриб битказилиш арасида. Ҳозир бу иншоотларда охири пардоз ишлари олиб борилмоқда. Уларни қўриб битказиш учун 175 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ободонлаштириш жараёнарига «Биокимё», «Янгийўл ёр-мой» ҳиссдорлик жамиятлари, «Китоб» ижара фабрикаси — жами 15та ташкилот меҳнат жамоалари енг шимариб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

Тоғда шифо маскани

Бўстонлик туманидаги Янгиовул қишлоғида замонавий қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Бу ерда олти ярим минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади.

Тиббиёт муассасасида ички касалликлар, жарроҳлик, гинекология, болалар педиатрияси каби бўлимлар мавжуд. Шунингдек, беморлар кундузги стационарда муолажа олиш имкониятига эга.

Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармасида берилган маълумотларга қараганда, мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида вилоят шаҳар ва туманларида яна бешта шундай қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилади. Ҳозирга қадар бундай замонавий шифо масканлари сони 123тага етди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АНГРЕН ПЕДАГОГИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

Кундузги БЎЛИМГА: 9-синф ҳажмида. Ўқиш мuddати — 3 йил.

1. Ҳуқуқшунослик
2. Ички ишлар бўлими ходими
3. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси
4. Мактабгача таълим
5. Бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари ташкилотчиси (қўшимча мутахассислик: меҳнат ўқитувчиси ва тасвирий санъат ўқитувчиси).

11-синф ҳажмида (тўлов контракт асосида) Ўқиш мuddати — 1 йилу 10 ой

1. Ҳуқуқшунослик
2. Бошланғич синфларда ўқитиш
3. Жисмоний тарбия

СИРТҚИ БЎЛИМГА: 11-синф ҳажмида (тўлов контракт асосида)

1. Мактабгача тарбия
- Ўқиш мuddати — 2 йилу 10 ой
- Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилди.

Манзилгоҳимиз: Ангрён шаҳри, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 17-уй. Телефонлар: 2-52-23, 2-54-40, 2-40-78, 2-31-84. Билим юртида кириш имтиҳонлари учун тайёрлов курслари мавжуд.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Ягона нусхода директор номига ёзилган ариза
2. Маълумоти ҳақида гувоҳноманинг асл нусхаси, тавсиянома (9-синфлар учун шарт)
3. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома
4. 3x4 ҳажмидаги 6та фотосурат
5. Меҳнат ва муҳофазага тайёргарлик нормативни ёки малака гувоҳномаси (жисмоний тарбия мутахассислиги учун)
6. Яшаш жойидан маълумотнома
7. Конверт, скорошиватель (папка)

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни шахсан кўрсатишлари шарт:

1. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт
2. Ҳарбий рўйхатда турганлиги ҳақида гувоҳнома
3. Меҳнат дафтарчасининг корхона раҳбари тасдиқлаган нусхаси

01 оғоҳлантиради БИНО ЎЗИДАН ЎЗИ ЁНМАЙДИ...

Вилоят ҳамда маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари фуқароларга эҳтиётсизлик ва бефарқлик нақадар зарарли эканлигини тушунтириб, суҳбатлар ва тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Лекин, шунга қарамай, вилоят бўйича содир бўлаётган ёнғинлар сони камаймайди.

Утган олти ой мобайнида содир бўлган 866 та ёнғиндан 521 таси фуқароларнинг хонадонларига тўғри келади. Бунда 9 нафар фуқаро ҳалок бўлди, 61 киши эса турли даражада тан жароҳати олди. Қўрилган моддий зарар 32 миллион сўмини ташкил этади. Жумладан, Янгийўл шаҳар, Палта кўчаси, 7-уйда газ плитаси назоратсиз қолдирилгани натижасида ёнғин содир бўлди, уй томи ва шифти ёнган, хонадон эгалари эса, катта моддий зарар кўришган.

Тошкент тумани, «Хасанбой» жамоа хўжалиги, Х.Каримов кўчаси, 21-уйда носоз электр қурилмаларидан фойдаланиш оқибатида ёнғин содир бўлиб, уй ичидаги жиҳозлар қулга айланган. Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Янги ҳаёт кўчаси, 18-уйда ёш болаларнинг гуғурт ўйнаши оқибатида молхона томи ёниб кетган. Айни кунларда вилояти-

мизнинг тоғли худудларидаги дам олиш оромгоҳларида, тоғ бағирларида фуқароларимиз меҳнат ташкилотларини, дам олиш кунларини ўтказмоқдалар. Оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, гулханларни, сигарет қолдиқларини ўчирмай ташлаш тоғ ва қирларда ёнғин чиқиши, катта моддий ва маънавий зарарга олиб келиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари офатнинг олдини олиш борасида қанча саъй-ҳаракат қилишмасин, фуқароларимиз, оддий ишчида ёнғин корхона раҳбаригача хавфсизлик қоидаларига риоя қилмас эканлар, унинг сони асло камаймайди. Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша хушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик.

Раъзия СУЛЕЙМАНОВА,
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ инспектори.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярми йили якунларига бағишланган мажлисида ўрта махсус, касб-хунар таълимини янада ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнини, кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ташкил этиш, унинг сифати ва самардорлигини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тошкент Давлат юридик институти академик лицейи- да бўлиб ўтган семинар-кенгаш ана шу талаблардан

келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда мамлакатимиздаги барча академик лицейлар директорлари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари, тажрибали ўқитувчилар иштирок этди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Ж.Хусанов бошқарган ушбу тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизнинг истиқболдаги тарақиёти кўп жihatдан малакали, пухта билимли мутахассисларга боғлиқдир. Академик лицей ва


касб-хунар коллежлари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Семинарда мазкур билим масканларида ўқитиш самардорлиги ва сифатини янада ошириш, ўқув режаларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Шарқ дурдоналари

Ануширвон дейдики: шаҳватнинг йўлида нимаки сарф қилган бўлсанг ва бошингга қандай иш тушган бўлса, билгинки, булар сени ҳалокатга қорловчи амаллардир. Ҳавоний ишларни тарк этган оқил фахш амаллардан, гуноҳдан нари юрган инсоннинг умри узаяди, ишлари ривож топади.



УМРИ БОҚИЙ ҲИҚМАТЛАР

Деди: адолат ва покликдан келадиган обрў, ёмонликка ва ёмон одамларнинг кўпайишига чек қўйиш уларга обрў келтиради. Дедилар: нима манфаатлироқ, бахтни ёки ақл? Деди: ақл билан жуфтлашган

одам? Аллоҳ рози бўлган инсонми? Деди: Аллоҳ рози бўлган ҳоким лаззат ва истакларини жилволаган, шаҳватларини тарк этган, халқи орасида адолат ўрнатиб, улардан зулмни йироқ этганидир.

Сўрадилар: ҳокимга нима сурур бахш этади? Деди: ундай сифатларга хурсандчилик ва сурур бахш этадиган нарса охири учун қилинган хайрли амаллардир. Қолганини оқилу донолар ўзлари яхши биладилар.

Дедилар: ёлғизгина лаззатли сурур борми? Деди: билмадим, лекин шифо топиб кетган дардманд одамнинг лаззатлишидан ортқ сурур бўлмас керак.

Дедилар: қаноат нима, камтаринлик нима? Деди: қаноат нарсанинг бир бўлагидан ризолликда бўлиш, руҳини эса мумкин бўлмаган нарсалар истиганидир тийишдир. Камтаринлик ҳар бир одамдан азият чекиш эҳтимоли билан юриш, шунинг учун барча одамларга йўл беришлик оdatидир.

Дедилар: қаноатнинг самараси нима, камтаринлик самараси муҳаббатдир. Ундан сўрадилар: ўзига муҳаббат қўйиш нима-ю, рив нима? Деди: ўзи ҳақида юқори фикрда бўлган инсон ўзида йўқ нарсани бор деб ўйлайди, ва бунга ишонди, ўзгалар фикрини эса, хато деб ўйлайди. Рив эса одамлар олдида сунъий шаклда қўриниш, ўзида йўқ хайрли сифатни бошқаларга бордек қилиб кўрсатишга интилишидир.

Маҳмудхўжа НУРИТДИНОВ. (Давоми бор).

"Соғлом авлод" оромгоҳларида

Айни кунларда ўқувчилар сўлим гўшаларда оромгоҳларда дам олмақда. "Соғлом авлод" жамғармаси вилоят бўлими ҳам болажонларни эътиборсиз қолдираётгани йўқ.

Жамғарма вакиллари оромгоҳларда бўлиб, дориндармон солинган "Алпечка" лар тарқатмоқда.

"Алпечка"ларда биринчи тез ёрдам кўрсатиш учун зарур кўпгина тиббий ашёлар тўплами бор. Ҳовиргача вилоятдаги "Оқ елкан", "Чимён", "Хумо", "Бахт", "Наргиз", "Тонг" каби унга яқин оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган Оролбўйи болаларига дориндармон тўпламлари етказиб берилди.

Шу кунларда вилоятда 17та болалар ёзги оромгоҳи ишлаб турибди. Уларда мавсум мобайнида 16 минг ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Шундан бир ярим минг нафарни қорақалпоғистонлик ва хоразмлик ўқувчилардир.

Фан оламида


Кўзсиз кўриш мумкинми? Мумкин!

Ўзбекистон Фанлар академияси "Замонавий информацион технологиялар" илмий-техник марказида "Кўзсиз кўриш" халқаро лойиҳаси доирасида янги қурилма яратилди. У кўзи ожиз кишиларга астроф-муҳитни аниқ тасаввур этишига ёрдам беради.

Борлиқни кўриш имконияти инсон учун энг бебахор неъмат саналади. Мазкур мослама тугма ёки бирон бахтсиз ҳодиса туфайли кўзи ожиз бўлиб қолган кишилар мушкуллини енгиллаштиришда асқотади. Халқаро лойиҳа доирасида АҚШ, Германия, Австрия каби дунёнинг етакчи давлатларининг йирик фирмаларида кўзи ожизлар учун ўнааб асбоблар тайёрланган. Бироқ юртимиз олимлари яратган янги мослама ўзининг қўлайлиги, соддалиги, хавфсизлиги билан эътиборлидир.

Қурилма кўзлардаги каби объективга эга бўлиб, ахборотни мияга узатади. Бошқача айтганда, асбоб ёрутликни товушга айлантириб беради. Ёрутлик ёки қоронгуликка қараб товуш ўзгаради. Натияжада кўзи ожиз одамнинг мия қобигида муайян предмет бўйича тасаввур ҳосил бўлади. Жаҳонда муқобила йўқ ушбу мосламанинг синови муваффақиятлан ўтди. Шу боис бу янгилик хоризжий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ў.А.



— Йўлнинг нариги томонига қандай ўтсак бўларкин. Ё айланаиб келсакмикин?! Барибир «Их-24»имиз бу тўсиқдан сакрай олмайдими.

Даврон АХМАД сурат-лавҳаси.

Муроджон одатдагидек онасининг «тап-туп» елиб югуришидан уйғонди. Сабоҳат она йўл-йўлакай сочини турмакларкан, ўғлига тайинлади:

— Сутинг тоқчада, овқатинг музлатгичда. Дастурхонни йиғиштириб, дарсингни қил, мактабга кетаётганингда дарвоза занжирини илтишни унутма!

Муроджоннинг ҳаёлида дунёдаги ҳамма оналар болаларига фақат шу гапларни ўқирадигандек: «Кийимингни ифлос қилма, овқатингни еб ол, уйни ивирситма!...» Мунчама катталар фарзандларини тергайверимасан.

Бола эриниб ҳовлига тушди-да, онага чўқди. Унинг дарс қилгиси ҳам, ўйнагиси

ҳам, телевизор кўргиси ҳам йўқ. Шу ўтиришда қанча ўтирди, билмайдими. Бир маҳал дарвоза гийкиллаб очилди. Думининг учи оппоқ барок

МУШУКЧА

мушук худди уйда ким бор, дегандек останада бир дам туриб қолди. Муроджон қани нима қиларкин, дегандек индамай ўтираверди. Мушукча нажот сўраб ёлворгандек, боланинг оёқларига сурқалди. Муроджон уни аста силаб эркалаган

эди, у лип этиб ичкарига кирди-да, хоналарни айланди чиқди. Болага яна бир қараб қўйиб, сакраб тоқчага чиқди-да, сопол товоқдаги сўтни

шочилмай, иштаҳа билан ичиб олди. Кейин пастга тушиб, яна янги эгасига сурқалди. Муроджон уни қўлига олди, олд оёқларини кўтариб, орқа оёқларини да турғазди.

Бола ювинаётганида ҳам, жойларини йиғиштириб дарс қилаётганида

Қатра

товуққа дон сочишди. У дарвозани илтиб, мактабга кетаётганида, мушукчага тайинлади: — Тезда келман, қочиб кетма!

У дарсда ўтирганида ҳам, танаффусда синфдошлари билан ўйнаётганида ҳам мушукча кўз ўнгидан кетмас, тезроқ уйига жўнавогиси келарди.

Муроджон шошиб уйига келганида, ойиси ошхонада хамир қориб ўтирар, мушукча эса, қаёққадир гойиб бўлган эди. Шу тонда у мушукча яна дарвозадан мўрабала кириб келишини, катталар йўғида у билан бирга бўлишини жуда-жуда истарди.

Муҳайё ТўЛАГАНОВА.

«ДОД БОГИ»

Қизиқ Ироқ мамлакатининг пойтахти Бағдод шаҳрининг ноини Дод исмли авлиё номи билан боғлайдилар.

Зеро, шаҳарнинг номи «Бағдод» эмас, «Бог» Дод» яъни «Доднинг Боги» иборасидан келиб чиққан экан.

«МЕН ТОҒНИ КўРАЯПМАН»

Уругвайнинг пойтахти Монтевидео номи ўзбекча таржимада, «Мен тоғни кўрапман» деган маънони англатади. Бу сўзлар 1530 йилда айтилган бўлиб, Ф.Магелланга тегишли.

Ушунда буюк сайёҳ кемаси Ла-Плата дарёси қуйиладиган жойда лангар ташлаб турганида, унинг нигоҳи ногаҳон ёлғиз бир тоғга тушиб, ушбу сўзларни айтган экан.

САРОБЛАР ХАРИТАСИ

Саҳрон Кабирда ҳар йили тахминан 160 мингга яқин сароб кўринади. Сароблар барқарор ёки кўчиб юрвучи, тик тушган ёки ёлғизликка кетган бўлиши мумкин.

Улар қарвон йўлларининг қайси жойларида қўриқини ақс эттирувчи махсус хариталар ҳам тузилиб, қаерларда қудук ва хурмозорлару, қайси жойларда воҳа ва тоғлар қўриқини ҳам қайд қилинган.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти бош бекатлари ва йўловчи шох бекатлари ишлаб чиқариш қорғасига қарашли Собир Раҳимов бош бекати жамоаси мазкур бекат раҳбари Аҳрор ҳожи Урмоновга онаси ХАЛИМАХОН АЙНОВ вафоти муносабати билан «Чуқур таъзия» изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ **Муассис:** ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ **Бош муҳаррир** Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ **Шефарафонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълолар: 133-70-10, 136-53-80. **Матбуатчи:** 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. **Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.** **Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.** • Эълон ва билдирлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.